

## **ИЖОД ЖАРАЁНИ ВА ШОИР ШАХСИЯТИ**

*Ахмедова Гулноза Атаназаровна*

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси катта ўқитувчиси*

*Аннотация.* Мақолада Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг ижод жараёнига ва шоир шахсияти уйғунлиги масаласига доир адабий-эстетик қарашлари ҳамда шоир ўз ижодининг шаклланиши, унинг омиллари ва такомилли, шеърятдаги, хусусан, лирикадаги изланишлари ва ижодий жараён таъсири тўғрисидаги фикрларига аҳамият қаратилган.

*Калит сўзлар:* шоир, шеърят, ижод тушунчаси, ижод жараёни, шоир шахси, бадий тафаккур, адабий-эстетик қарашлар, девон.

Йирик адибнинг адабий ва эстетик қарашлари, аввало, ўз ижодига, ижод жараёнига муносабатида кўринади. Чунки, ҳар қандай асар муаллифнинг адабий қарашлари ва бадий иқтидори маҳсули сифатида пайдо бўлади. Бу жараёнда ижодкор руҳияти, тафаккури, умуман ички сезимидаги ҳолатлар ва бадий асарнинг яратилиш тарзи акс этади. Бу эса ижодкор адабий қарашларининг шаклланишидаги муҳим босқич сифатида характерлидир. Табиийки, бу жараёнда ижод психологияси билан шоир шахсияти алоқасининг синтези ўлароқ бадий асар майдонга келади. Огаҳийнинг ижод тажрибаси, асарларининг яратилиш жараёни ва бу жараёндаги кечинмалари

хақидаги ўз иқрори ҳам шундан далолат беради. Дарҳақиқат, “ижод жараёнининг мураккаб ва нозик нуқталарини ёритишда ижодкор томонидан тўпланган материаллар, қайдлар, асарнинг режалари, чизгилар, қўлёзма вариантлари, матннинг тахририй тузатишлари катта аҳамият касб этади”. (1) Бу хусусиятлар Огаҳий ижодига ҳам хосдир. Бу хилдаги маълумотлар унинг шеърий, таржима ва тарихий асарларида анча бўлиб, шоир адабий-эстетик қарашларини, ижод босқичлари билан боғлиқ ўзгаришларни аниқлашга хизмат қилади.

Огаҳийнинг ижод жараёни ва шоир шахси хусусидаги қарашлари икки йўналишда акс этган: 1) “Таъвиз ул-ошиқин” девони дебочасида; 2) “Шоҳ ва Гадо”, “Юсуф ва Зулайхо” таржима дostonлари ва тарихий солномалардаги маълумотларда. Бинобарин, дебочадаги биографик ва адабий маълумотларни Огаҳий бадиий ижоди ва эстетик ақидалари ҳақидаги фикрлар умумлашмаси дейиш мумкин. Бу фикр бошқа ўринда ҳам алоҳида таъкидланган эди: “Дебоча Огаҳий эстетик принципларини акс эттириши билан илмий қимматга эгадир”.(2) Унда шоир ўз ижодининг шаклланиши, унинг омиллари ва такомилли, шеъриятдаги, хусусан, лирикадаги изланишлари ва ижодий жараён таъсири тўғрисидаги қарашлари баён этилган. Зеро, шоирнинг ўз ижоди бошланиши ҳақидаги фикрлари бу қарашларнинг бир қисмидир.

Огаҳийнинг ижод йўли ва адабий ақидаларининг такомилли осон кечмади. Отаси вафотидан сўнг “Рўзғор андуҳи шиддатининг оғир юки тоғ янглиғ боши устига тушса ҳам” “ихлос била уламои изом хизматлариға рағбат била бориб нуқтадонлиғлари шарбати лаззатидан ком бўлиб, баҳраи тамом олур эрдим ва

гоҳо шуаро дониш илтизом суҳбатларин сурат била охториб, руҳафзо иборатлариға қулоқ солар эрдим” (3) деб ёзади шоир. Бу маълумотлар шубҳасиз, Огаҳий адабий фаолияти шаклланаётган ижодий жараён ва унинг шоир шахсиятига таъсирини ойдинлаштиради. Дарҳақиқат, қизгин адабий муҳит ва “шуарои дониш суҳбатлари” Огаҳийдаги туғма талант ривожига кенг йўл очди ва уни фавқулодда ижодкор шахс сифатида шакллантирди.

Огаҳий шахсияти унинг адабий ва эстетик қарашлари марказида туради ва бутун ижоди моҳиятида ўз муҳрини қолдиради. Бу моҳият, табиийки, муаллиф дунёқараши, воқеликка муносабати, фикрлаш қамрови, бадиий салоҳияти каби омилларда намоён бўлади. Назаримизда, шоир томонидан танланган “Огаҳий” тахаллусида бу хусусиятлар мужассам бўлиб, унинг ҳушёрлик, зийраклик ва зукколик каби маъно қирралари шоир ижодида ўз ифодасини топган. Буни Огаҳийнинг ўзи алоҳида таъкидлаб ёзади:

Не тонг огаҳ бўлса Огаҳий ишқинг сирридинким,

Анга беҳуда эрмас осмондан бу лақаб пайдо. (I.36)

Зеро, шоирнинг ўзига қарата айтган “Огаҳий тил тиғи тортиб ол маоний мулкини” ва “Вайрон кўнгилларни қарам ганжи била обод қил” каби даъватларида унинг ижод дастури акс этган.

Чуқур инсонпарварлик ва эзгулик ғояларига асосланган бу дастурни амалга ошириш катта истеъдод, миқёсли адабий тафаккур ва тинимсиз меҳнатни тақозо қиларди. Бу фазилатлар соҳиби Огаҳийда яна устозлардан баҳрамандлик ва замондош ижодкорлар билан ҳамкорликнинг ҳам ижобий таъсирини кўрамиз. Лекин бу омиллар фақат шоир шахсиятига мувофиқлиги

ва унда маънавий-бадий қувватни кучайтириши билан самара бера олади. Бинобарин, “шоир киши умри давомида ўз шахсини ёзади, ўз қисмати, маънавий-руҳий олами ҳақида гапиради. Бунга амал қилмасдан чинакам шеъриятга эришиш мумкин эмас”. (4) Огаҳийнинг ижоди ва адабий фикрлари ушбу ҳақиқатнинг ёрқин ифодасидир. Дарҳақиқат, Огаҳийнинг ижод жараёнига оид қарашларида асар устида иш бошлашдан олдинги қалбидаги турфа кечинма-туйғулар, ўз-ўзига хитоб, ҳар қандай қийинчиликларга қарамай ижодий ишга кириш ва “усру ғайрат қилиш” лозимлиги алоҳида таъкидланади. Бу жиҳатдан унинг қуйидаги маснавийси характерлидир:

Эй, маломатдин ўлғон озурда  
Тутма ўзни бу навъ афсурда.  
Эй, маош айлабон васила била,  
Топса комни макру ҳийла била.  
Санда ҳам бор василаи олий,  
Барча эл ул василадин ҳоли.  
Санга ул дойимо эрур пайваст,  
Сандин ўзга кишига бермас даст.  
Мулки маъни тилсиминг бўлмиш,  
Донишинг сайтидин жаҳон тўлмиш.  
Суслиғ этма, усру ғайрат қил,  
Ғайрат этмак ўзингга лозим бил.  
Хотирингни чиқор маломатдин,  
Таъбинг озод айла кулфатдин. (II.330)

Огаҳий ижод жараёни машаққатли узлуксиз изланиш эканлигини етарли англаган санъаткордир. Бу жараёнда ижод масъулиятини чуқур ҳис қилган шоир баъзан ўз асарларига бепарво бўлганини яширмайди: “Тоқим алардин (асарларидан — Г.А.) баъзисини мусаввадаси жуздонда пинҳон қолиб, баъзисини мусаввадаси бепарволигим сабабидин ҳар тарафга сочилиб, нобуд ва паришон бўлур эрди”,— дея эътироф этади. Лекин Феруз эътибори ва унинг саройидаги фаол ижодкорлик муҳити Огаҳийга рағбат берган, асарларини тўплашга руҳлантирган омил бўлганини ҳам алоҳида таъкидлайди ва қуйидаги сўзларида ўша жараённи жонли лавҳаси акс этади: “Бу жиҳатдан аксар фузало шеър айтур ишиға машғул кўргузур эрдилар. То бу васила била ул хазратнинг (Ферузнинг — Г.А.) кимёасар назариға манзур ва подшоҳона иноят ва илтифотлари била маҳзуз ва масрур бўлур эрдилар”. (5) Бу жараённинг энг нуфузли иштирокчиси Огаҳий ўз ижодининг кейинги такомили, шеърларнинг девон қилиниши ҳамда “тоза шеър тафаккури бодасидан ичиб, гоҳ ўзига келиб, гоҳ ўзидан кетган”лигини баён этади ва “ҳар ҳол била неча муддатлар кўп меҳнат ва машаққатлар чекиб, аксари ашъоримни жамъ этиб, девон суратида бир неча авроқ сутурига битдим”,— дейди. Кўринадики, бу талқинда бадий ижод қирралари — замон (“неча муддатлар”), жараён (“меҳнат ва машаққатлар”), объект (“ашъоримни”) ва шоир шахси (“сутуриға битдим”) мантиқий яхлитлигида “ижод” тушунчаси ёрқин гавдалантирилган.

Огаҳийнинг “аксари ашъорим” дейишидан девонга шоир шеърларининг асосий қисми киритилганини фаҳмлаш мумкин. Бу ўринда, назаримизда, у

девонга шеър танлашга юксак талабчанлик билан ёндашгани, фақат “дилсўз” ашъорларни маъқул кўргани равшанлашади. Бинобарин, шоир айрим шеърларни қайта таҳрир қилиш ва ғоявий-бадий сайқал беришни ижод жараёнидаги муҳим жиҳат деб билган. Шу сабабли шахсан Огаҳий томонидан тузилган илк кўлёзма мажмуа “Баёзи мутафарриқа” (Турли шеърлар тўплами)га (6) кирган ўзининг саккиз ғазали ва икки мухаммасини қайта таҳрир остида девонга киритган. Шунингдек, Амирий ва Навоий ғазалларига боғланган мухаммасларнинг ҳам айрим мисралари девонда янада такомиллашган ҳолда учрайди. Зеро, Огаҳий назм моҳиятини кўнгилга хушнудлик, дилларга ҳаётбахшлик бағишлашда кўрар экан, сўз ва шеърга нисбатан “тафаккур бодаси”, “сўз бодаси” ибораларини кенг қўллайди ва ҳар бир ашъорнинг ғамгин қалбларга малҳам бўлишини истади. (Ҳазрат Навоийнинг “Не учунким бода кирган уйга қайғу келмади” мисрасини эслайлик) Бинобарин, “Таъвиз ул-ошиқин” девонини ўқиганда унинг қуйидаги байти беихтиёр эсга келади:

Сўзнинг бодаси нашъабахш ҳаёт,

Юзнинг кўзгуси жилваоройи зот. (II.355)

Огаҳийнинг юксак бадий диди ва ижод ўрнини англаш бахти унинг шеърий девонига муносабатида ёрқин кўринади. Бу ҳол девоннинг шаклий мукамал ва салмоқли бўлишидагина эмас, балки инсон қалбидаги беадад ҳасрату орзуларнинг хайратомуз бадий кўзгуси ва ҳаётий ҳақиқатларнинг ифодаси эканлигида ҳамдир.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Маҳмудова З. Ижод психологияси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2003. №3. Б.45.
2. Жумахўжа Н. Феруз маданият ва санъат ҳомийси. Тошкент: Фан, 1995. Б.18-29.
3. Огаҳий. Асарлар. I жилд. Б.38.
4. Ҳаққулов И. Кўрсатилган асар. Б.118.
5. Огаҳий. Асарлар. I жилд. Б.40.
6. Баёзи мутафарриқа. ЎзФА Шарқшунослик институти фонди, инв.№ 7011.